

Бугунги сонда ўқинг

СОВУҚДАН ҚУТУЛИБ...


ОФАТга тугилмайлик



Фаол ташаббуслар рўёби

“ДАДА, ПАКИЛДОК ОЛИБ БЕРАСИЗ...”

ёхуд фарзандингизнинг хархашаси унинг хавфсизлигидан устунми?



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2020 йил
16 декабрь
ЧОРШАНБА
№ 86 (13347)

@haqiqatonline

РИЗҚ-РЎЗИМИЗ БУНЁДКОРЛАРИГА

Эхтиром



Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан махсус қонун қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куни ҳар йили декабрь ойининг иккинчи яшанбасида касб байрами сифатида нишонлана бошлангани барчамизни боқаятган, элимизнинг тўкин ҳаётини таъминлаб келаётган заҳматкаш касб эгаларига халқимиз хурмат ва эхтиромининг ёрқин ифодасидир.

Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИРМА БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Олтинчи чақириқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг йигирма биринчи сессияси 2020 йил 19 декабрь куни соат 15:00 да чақирилсин.

Вилоят ҳокими **Р. ХОЛМАТОВ**
Нурафшон шаҳри, 2020 йил 14 декабрь

АГРАР УНИВЕРСИТЕТ

90 ёшда!

Бу йил Тошкент давлат аграр университети ташкил этилганга 90 йил тўлди. Шу муносабат билан 14-15 декабрь кунлари университетда “Аграр фан назарияси ва амалиётидаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари” мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди.



КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ — БОШ МАСАЛА

Тошкент вилоятида коррупциянинг олдини олиш бўйича масъулиятни ошириш масаласи видеоселекторда вилоят ҳокими Рустам Холматов, секторлар раҳбарлари, тегишли давлат идоралари ва мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

— Ҳар қандай жамият учун жиноятга қарши курашиш энг долзарб масалалардан бири саналади. — деди Рустам Холматов. — Айрим ҳолатларда етарли даражада иш ва ҳаёт таърибасига эга бўлмаслик оқибатида ҳам коррупция ҳолатлари учрамоқда. Шу боис, ҳар бир раҳбар қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатлари асосида ишни тўғри ташкил этиши шарт.

Вилоятда сўнгги икки йилда 413 нафар мансабдор турли кўринишдаги коррупциявий жиноятларни содир этгани учун жавобгарликка тортилган. Бундай жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарар миқдори 42 миллиард сўмдан ошди.

Ўтган ва жорий йилда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ташаббуси билан ўтказилган текширувларда 35 миллиард сўмлик моддий зарар фош этилган бўлса, давлат молиявий назорати идоралари ташаббуси билан яна 18,6 миллиард сўмлик шундай ҳолатлар аниқланган. Шунингдек, прокуратура ташаббуси билан мазкур йўналишда ўтказилган текширишлар асосида 10 та жиноят иши қўзғатилган.

Қунлар совий бошлаши билан юзага келадиган энг катта муаммо бу аҳоли яшайдиган уйлар ва корхона-ташкilotларни иситишдир. Бу жараён, айниқса, кўп қаватли уйларда жуда қийин кечади. Бугунги кунда вилоятимизда жами 5 мингга яқин кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, улардаги 159 минг 200 та хонадонда 471 минг 841 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бу йил ўлкамизда қиш эрта бошланди. Ҳўш, қишнинг совуқ кунларида кўп қаватли уйлар иссиқлик билан етарлича таъминланмоқдами?

Қиш қишлигини қиляпти, биз унга тайёрмидик?

Мазкур масала бўйича Чирчиқ шаҳрида амалга ошириляётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати ҳамда вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси билан ҳамкорликда ОАВ ходимлари учун медиа-тур ташкил этилди.

Шаҳарда кўп қаватли уйларни иссиқлик билан таъминлаш мақсадида 14 та қозонхона туну кун ишламоқда. Пресс-тур доирасида журналист ҳамда блогер-

лар 3 та ташкилот фаолияти билан танишишди.

Дастлабки манзил “РК-2 ОКБ” қозонхонаси бўлди. 1976 йилда ишга туширилган объектда биринчи қўйилган қозонлар бугунги кунда консервацияда турибди. Вилоят “Иссиқлик манбаи” ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбари Қўдрат Раҳимовнинг айтишича, уларнинг ишлаши учун кўп электр қуввати сарфланиши сабаб фаолияти тўхтатилган. Ҳозирда муассасада 3 та гарелка узлуқсиз

ишлатилиб, шу орқали аҳолига иссиқлик етказиб берилмоқда. Захира сифатида яна 3 та гарелка ишлашга тайёр ҳолатга келтириб қўйилган. 18 та ишчи фаолият олиб бораётган корхонада бир кунда 30 минг Гкал. иссиқлик ишлаб чиқарилиб, хонадонларга жўнатилади. 70 та кўп қаватли уй ҳамда 4 та боғчани иссиқлик билан таъминлаб келаётган масканда сувни иситиш учун табиий газдан фойдаланилади. Муаммолар ҳам йўқ эмас.

Бугуннинг гапи



БОЗОРИМИЗ ТЎКИН, ҲАМЁН БУТ БЎЛСА БАС...

Янги йил байрами яқинлашгани сари дас-турхонларимиз тўкинлигини таъминлайдиган, безайдиган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб янада ошади. Шу кунларда

— Ярмаркага ҳар куни тадбиркорлар, фермерлар, хусусий корхоналар томонидан янги маҳсулотлар олиб келиниб, расталар тўлдирилмоқда. — дейди деҳқон бозори раҳбари ўринбосари Темурабдуллоев. — Маҳсулотлар ҳар куни эрталаб махсус лаборатория текширувидан ўтказилгач, савдога чиқарилади. Нарх-наво белгиланиши назоратта олинган. Савдо ярмарка-

мизга кунига “Тонг савдо”, “Мустанг мастер” масъулияти чекланган жамиятлари гўшт, тухум, сут ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, “Мирвалиев Мираббар” деҳқон хўжалиги эса сархил мева ва сабзавотлар етказиб бермоқда.

Байрам кунлари талабга кўра маҳсулотлар тури ва миқдорини ошириш кўзда тутилган.

А. ХУСАНОВА
Аброр ЭСОНОВ
олган суратлар

Анъанага мувофиқ, бу йил ҳам байрам муносабати билан Президентимиз қишлоқ хўжалиги ходимларига табрик йўллади.

“Дунёдаги энг қадимий ва олижаноб касб эгалари ҳисобланган,

эътирофга муносибдир”, дейилади давлатимиз раҳбарининг табригида. Шунингдек, унда пахтадан мўл ҳосил етиштиришда Оққўрғон туманидаги “Оллоберди Мурод” фермер хўжалиги, Қуйи Чирчиқ туманидаги

сана муносабати билан ташкил этилган байрам тадбирида соҳада эришилган ютуқлар алоҳида эътироф этилди. Маросимда вилоят ҳокими ўринбосарлари, туман ҳокимлари, соҳа илғорлари, фахрийлар, сектор

ган натижаларни алоҳида таъкидлади. Шунингдек, соҳанинг бир гуруҳ илғор вакиллари эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Тадбирда эл суйган санъаткорлар – Ўзбекистон халқ артистлари Фаррух Зокиров, Ғулумжон Ёқубов, Гулсанам Мамазоитова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшан Комилов, сўз устаси Валижон Шамсиев ҳамда ака-ука Эшжоновлар иштирокидаги концерт дастури барчага хушқайфият улашди.

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида кутлуғ сана муносабати билан байрам тадбирлари ташкил этилди.

Жумладан, Паркент туманидаги тадбирда фермеру деҳқонлар меҳнати яна бир бор улуғланди, уларнинг қўлга киритаётган салмоқли ютуқлари эътироф этилиб, соҳа илғорларига эсдалик совғалари топширилди.

Оққўрғон туманидаги тантанали маросимда ёзилган тўкин дастурхон атрофига тумандаги илғор фермер ва деҳқонлар, ғаллакор ва миришкор боғбонлар жамулжам бўлишди.

Тадбирда илғор тажрибалар асосида юқори натижаларга эришаётган фермерлар, шунингдек, халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ қишлоқ хўжалиги ходимларига совғалар тақдим этилди.

Аллома АЗИЗОВА /Тошкент ҳақиқати/ Нозим АБДУЛЛА ва Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар



Дастлаб, Қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари Шухрат Тешаев сўзга чиқиб, барчани кутлуғ сана билан табриклади.

Шунингдек, вилоят ҳокими Рустам Холматов томонидан йўлланган махсус видеоролик намойиш этилди.

– Аввало, барчангизни Тошкент давлат аграр университети 90 йиллиги билан ўз номимдан, қоливерса, вилоятимиз аҳли номидан табриклайман, – дейди вилоят ҳокими. – Қишлоқ хўжалигида эришган барча ютуқларимиз ортида сизларнинг мислсиз меҳнатининг ётганини эътироф этмай иложимиз йўқ. Умид қиламанки, келажакда ҳам ушбу даргоҳдан иқтисодий тараққиотни янада ривожланишига ўз хиссасини қўшадиган кўплаб ёш кадрлар етишиб чиқади.

– 1930 йилда ташкил этилган ва Ўрта Осиёда ягона бўлган университетнинг тараққиёт йўли мамлакатимиз тарихи, қишлоқ хўжалиги, иқтисодий тараққиот билан узвий боғланган, – дейди университет ректори Ботир Сулаймонов. – Ушбу даргоҳдан кўплаб олимлар, илмфан намояндалари етишиб чиққан. Бугунги кунга келиб АҚШ, Германия, Италия, Япония, Туркия, Хитой, Жанубий Корея, Россия Федерацияси ҳамда қўшни республикалардаги бир қатор етакчи олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганмиз.

Шунингдек, тадбирга ташир буюрган хорижлик мутахассислар келгусида ўзаро ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланишига умид билдиришди. Бевосита конференцияда иштирок эта олмаган хориждаги бир қатор нуфузли олий таълим даргоҳлари профессор-ўқитувчилари онлайн тарзда ўз табрикларини йўллашди.

Маросим сўнгида соҳа ривожига ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар, илмий-тадқиқотчилар “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги фидойиси” кўкрак нишони ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Садир ОБИДЖОН Аброр ЭСОНОВ олган суратлар

РИЗҚ-РЎЗИМИЗ БУНЁДКОРЛАРИГА

ЭЪТИРОМ



эл-юрт дастурхонини тўкин ва фаровон эътиборга соҳанинг залворли юқини ўз елкасида кўтариб келаётган сизлар каби минглаб юртдошларимизнинг фидойи меҳнати ва жасорати ҳар қандай юксак

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

“ТСТ кластер” жамоалари ҳар томонлама ўрнатилган ва намуна кўрсатган хўжаликлар қаторида алоҳида тилга олиниши аслида бутун вилоятимиз миришкорларининг мардондор меҳнатларига берилган юксак баҳодир, десак адашмаган бўлаемиз.

Юқори Чирчиқ туманида мазкур

раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда вилоят ҳокими Рустам Холматов сўзга чиқиб, аграр соҳа вакиллари байрам билан муборакбод этди. Жорий йилда вилоятда, хусусан, Юқори Чирчиқ туманида қишлоқ хўжалиги соҳасида эришил-

Хусусан, вилоят мактабгача таълим бошқармаси бош иқтисодчиси янги қурилаётган мактабгача таълим ташкилотларини жиҳозлаш учун ўзи нарасий раҳбарлик қилаётган “Аброр тех таъминот” МЧҲдан музлаткич ва бошқа маиший буюмларни жами 258 миллион сўмга – юқори нархда харид қилган. Мазкур ҳолатлар юзасидан ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Тадбирда молия органларининг 7 нафар ходими коррупцияга қўл ургани учун жиноий жавобгарликка тортилгани, ушбу идорада аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини яшириш, текшириш ўтказмаслик, бюджетдан ажратилган маблағни ўз вақтида ўтказиб бермаслик ҳолатлари юз бергани айтиб ўтилди.

Таъкидлаш жоизки, Олмалик шаҳар молия бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари Э. туғруқ комплекси бош шифокори Т.дан комплекста қўшимча 10 та штат ажратиш масаласини ҳал қилиб бериш эвазига 800 доллар олгани учун суд ҳукми билан жазога тортилган.

Янгийўл тумани қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Ю. “Валиев Инвест барака” фермер хўжалиги раҳба-

КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ – БОШ МАСАЛА

ри Валиев билан тил бириктириб, хўжаликнинг 30 сотих ер майдонини сохта кадастр ҳужжатлари расмийлаштириш орқали яқин қариндошлари номига ўтказиб, кейинчалик бошқа шахсларга жами 38 минг 400 долларга сотиб юборган.

Олмалик шаҳар ҳокими ўринбосари А. 16 ноябрь куни худуддаги “Тотувлик” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 15 сотих ер майдонига умрбод эгалик қилиш ҳақида қарор чиқариб беришда амалий ёрдам кўрсатиш эвазига фуқаро Атақулловдан 15 минг долларни пора тариқасида талаб қилиб, 5 мингини олган вақтида ушланган.

Муқаддам фирибгарлик жинояти учун 3 марта судланган Ш.га яна имкон берилиб, унга Оққўрғон тумани тибиёт бирлашмасининг фуқаролар муҳофазаси бўйича мутахассиси вазифасида иш берилган эди. Бироқ “Урганган кўнгил ўртанса кўймак” деганларидек, Ш. суд ҳукмига асосан озодликни чеклаш жазосини ўтаб келаётганига қарамай, қайта жиноятга қўл урди. У ишга киритиб қўйиш эвазига Байматовадан 300 доллар, Юсупалиевадан 1 миллион 450 минг сўм ва 100 доллар, Қорабоевдан 400 доллар ва 900 минг сўм, Турғуновадан 100 долларни фирибгарлик йўли билан олиб, ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборган.

Йиғилиш якунида маърузада келтирилган ташилот ва идоралар раҳбарларининг тушунтиришлари эшитилди.

Ўза

Қишлоқ хўжалигини қиляпти,

биз унга тайёрмидик?

– Ҳозирда ишлаётган қозонхоналарнинг аксарияти жуда эски, шу сабабли кўп харажат талаб қилади, – дейди Қудрат Рахимов. – Муаммони ҳал этиш бўйича бир қанча режалар тасдиқланган. Жумладан, 2020-2023 йиллар мобайнида қозонларни энергия тежамкорларига босқичма-босқич алмаштири-

нага иссиқлик етказиб бериш мuddати махсус келишув асосида узайтирилади. Медиа-тур иштирокчилари худуддаги энг йирик иссиқлик ишлаб чиқарувчи қозонхона қозонхонасида ҳам бўлишди. 175 та кўп қаватли уй ва 16 та ижтимоий соҳа объектларини иссиқлик билан таъминлаб келаётган ушбу объектнинг фақат бир

ва 3 та 25 МВтли қувватга эга замонавий тежамкор қозон ва ускуналар ўрнатилмоқда.

Бундан ташқари, вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси ҳузуридаги “Таъмирлаш тиклаш хизмати” ДУКда кўп қаватли уйларни бошқариш, лифт ускуналарини таъмирлаш, аҳолига сантехника ва бошқа маиший хизматлар кўрсатиш бўйича “Тез коммунал хизмат” сервислар фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, мавсумни беталафот ўтказиш учун унинг барча бўлинмаларида қисқа рақамли 11-84 ишонч телефони хизмати йўлга қўйилган. Уларда сантехник, электрик ва чилангар штатлари хизмат кўрсатади. 9 та туман-шаҳарда хизмат кўрсатаётган бўлинмаларга “Дамас” автомашиналари ажратилган.

Бир сўз билан айтганда, медиа-турдан олган таассуротларимиз кўнглига таскин беради, ҳар ҳолда. Аммо, иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Мухими, олдинги йилларга қараганда жорий мавсумда иш умумдорлиги бир неча баробарга ошган. Бунда туну кун ишлаётган “Иссиқлик манбаи” ИЧБ ходимларининг хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Сухробжон САДИРОВ /Тошкент ҳақиқати/ Аброр ЭСОНОВ олган суратлар



Кейинги манзил – туғруқхона, сил касалликларни шифохонаси ҳамда 9 та кўп қаватли уйларни иссиқлик билан таъминлаб келаётган “Перинатал маркази” қозонхонаси бўлди. Мавсумда 2,5 Гкал. иссиқлик манбаи ишлаб чиқарадиган қозонхона 1979 йилда қурилган. Ҳозирги кунда бу ерда 1 та қозон ишламоқда. Мазкур марказ, асосан, шифохоналарга иссиқлик етказиб бериши сабабли баҳор ва куз мавсумларида ҳам ишлайди. Айниқса, туғруқхона

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

қисми ишлаётган экан. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 апрелдаги қарорига биноан ушбу муассаса реконструкция ҳамда модернизация қилинадиган объектлар рўйхатида киритилган ва жаҳон банкидан қарий 17 млн. АҚШ доллари миқдорига кредит ажратилган. Ташкилотни янгича қиёфага келтириш учун тендер савдолари ўтказилиб, Туркия компанияси танлаб олинган. Ҳозирда туркияликлар томонидан тўлиқ демонтаж ишлари якунланиб, қозонхона биноси қурилмоқда

СОВУҚДАН ҚУТУЛИБ... ОФАТГА ТУТИЛМАЙЛИК

Статистик маълумотларга қўра, республикада сўнгги уч йил ичида сўзги-қишқи иситиш мавсумида содир бўлаётган фавқулодда вазиятларнинг аксарияти ис газидан заҳарланиш ҳолатлари билан боғлиқ.

Маълумки, ис газини (СО) рангсиз, ҳидсиз, корхона шароитида энг кўп учрайдиган заҳарли бирикма бўлиб, табиий газ, ёқилғи, кўмир, ўтин чўғлари тўлиқ ёнмаслиги оқибатида ҳосил бўлади. Тўтун таркибида 3 фоиз, ишланган газда 13 фоиз, портловчи газлар таркибида эса 50-60 фоизгача ис газини бўлади.

Ис газидан шомоллатиш тизими яхши ишламайдиган органни моддаларни ишлаб чиқарадиган корхоналарда, автоуловлар турар паркларда, янги бўялган ва шомоллатилмаган хоналарда, шунингдек,

уй шароитларида табиий газ чиқиб турганда ва печка билан истиладиган уйлар, ҳаммомларда, дам олиш палаткаларида ёнғича модданинг тўлиқ ёнмаслиги натижасида заҳарланиш мумкин.

Таҳлилларга қўра, ис газидан заҳарланиш ҳолатларининг аксарияти куйидаги сабабларга қўра юзага келмоқда:

- Фуқаролар томонидан газ ва мўқобил ёқилғи (кўмир, ўтин ва бошқа) турларидан фойдаланишда хавфсизлик чораларига риоя этмаслик;
- Ностандарт (қўлбола ясалган) ёки

сертификатга эга бўлмаган иситиш печлари ва анжомларидан фойдаланиш;

– Иситиш печларининг дудбуронларини нотўғри ўрнатиш;

– Газ ёки бошқа мўқобил ёқилғига мослаштирилган иситиш печлари (анжомларини) дам олиш (ухлаш) хоналарига олиб кириш;

– Ҳаво алмашмайдиган хоналарни иситишда очик олов (кўмир ва ўтин чўғлари)дан фойдаланиш;

– Ҳавони алмаштирувчи шомоллатиш шабталари ёки туйнукларни беркитиб (тўсиб) қўйиш.

Юқоридаги сабабларнинг келиб чиқишига йўл қўйманг. Ис газидан заҳарланишдан огоҳ бўлинг.

Миразиз ТОИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси биносидан ёнғич хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш 1-бўлими мутахассиси

Вилоят бўйлаб

ЎРТА ЧИРЧИҚлик тадбиркор Мавлуда Бабаева ҳомийлигида “Ниҳол 5” номли 100 ўринга мўлжалланган оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ўз фаолиятини бошлади. Муассасада 15 нафар малакали тарбиячи болалар камолоти билан шуғулланишмоқда.

Боғча 3 қаватли бинода жойлашган бўлиб, хоналари болаларда қизиқиш уйғотувчи ўқув методик, дидактик уйинлар ва ўйинчоқлар, бадиий адабиётлар билан жиҳозланган. Айтиш жоизки “Бектемир” маҳалласида хусусий боғчалар сони 3 тага етди.

ЗАНГИОТА тумани маданият бўлими ташаббуси билан номоддий маданий меросни ўзда сақловчи ва кейинги авлодларга етказувчи уста Ортинқўй Матмусаевнинг устахонасига саёҳат ташкил этилди. Ёшларни қизиқтириш мақсадида уюштирилган саёҳатта хунармандчиликка мойиллиги бўлганлар жалб этилди. Уста меҳмонларни хонадонда сақланаётган мусиқа асбоблари, шунингдек, ёғочга ишлов бериш ва мебель ясаш дастохлари билан таништирди ва маҳорат дарси ўтди.



Эҳтиёт шарт!

Кучли фуқаролик жамияти сари

Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган мукамал институционал база яратилди. Хусусан, Олий Мажлис ҳузурида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа

институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди. “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунга асосан маҳаллий давлат вакиллик органлари ҳузурида Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари шаклланди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жамиятда ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишга, давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратди. Айниқса, аҳоли кенг қатламларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш ҳамда долзарб муаммоларни самарали бартараф этишда ННТ ва фуқаролик жамиятининг муносиб ўрни бор.

Парламент комиссияси томонидан бир-

тутларининг грант лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича қарор қабул қилинди.

Мазкур грант лойиҳаларини молиялаштириш орқали соғлиқни сақлаш муассасалари билан ижтимоий шерикликда аҳоли орасида COVID-19 вирусининг олдини олишга, соғлом турмуш тарзини юксалтиришга, оилада тиббий маданиятни оширишга, тождор вирусдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш, уларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришга ёрдам берилди. Шунингдек, Ватанимиз келажиги бўлган ёшларга она юртва садақат билан тарбиялаш, уларда ташаббускорлик,

ФАОЛ ТАШАББУСЛАР РЎЁБИ

гина 2019 йилда ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларига 321 та лойиҳани амалга оширишлари учун давлат грантлари, ижтимоий буюртмалар ва субсидиялар шаклида 37,8 млрд. сўмлик давлат қўмағи кўрсатилди. Бунинг натижасида 608 та кўшимча касбга ўргатиш, қайта тайёрлаш ва малакани ошириш курслари ташкил этилди, уларда 25 минг 400 дан зиёд ёшлар, хотин-қизлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бепул ўқитилди.

Жойларда уюлмаган ёшлар ҳамда хотин-қизларнинг касбий кўникмаларини шакллантирадиган жами 5 та касбий малака экспериментал маркази ташкил этилди, улар орқали 770 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Тўғра юрак хасталигини даволаш мақсадида 40 нафар болада бепул жарроҳлик амалиёти ўтказилиб, уларнинг соғлиқлари тўлиқ тикланди.

Парламент комиссияси томонидан 2020 йилда умумий миқдори 5,2 млрд. сўмлик 15 та ижтимоий буюртмани амалга ошириш бўйича қарор қабул қилинди. Жамоат фонди томонидан эълон қилинган “Жамият ва оилада соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини ошириш”, “Ҳаракатлар стратегияси”, “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастури ижросида фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирокини таъминлаш”, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари”, “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” каби мавзулардаги давлат грантларида ННТ ва фуқаролик жамияти институтларининг иштироки кўриб чиқилди. Эълон қилинган 2 та давлат грантига 700 дан ортиқ ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан лойиҳалар келиб тушиди ва 200 та ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа инсти-

фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш, жамиятда қонун устуворлиги ва жамоатчилик назоратини таъминлашда демократик институтларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга қўмақлашди. Қолаверса, “Ҳаракатлар стратегияси”, “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаолиятини оширилади. Хусусан, уй ҳужалиги асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, банд бўлмаган аҳолини касбга қайта тайёрлаш ва ишсиз фуқароларни зарур касбларга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, аҳоли сифатли ижтимоий хизматлар кўрсатиш кўлимини кенгайтиришга, давлат дастури ижроси устидан жамоатчилик назорати механизмларини жорий этишга хизмат қилади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Парламент комиссияси томонидан “Миллатлараро тотувлик ва барқарорлиқни таъминлашда ижтимоий шерикликни кучайтириш” мавзусида давлат грантининг 5-танлови эълон қилинди.

Танловда миллатлараро муносабатлар ва хоржий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш, кўп миллатли катта оила ҳис-туйғусини кучайтириш, турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик ва тотувликни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садақат руҳида тарбиялаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш асосий мақсад этиб белгилаб олинди.

Моҳира ХОДЖАЕВА,
Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзоси

Эълонлар

Дикқат!
Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очик аукцион (www.e-auksion.uz) савдоларига таклиф этади.

Электрон онлайн очик аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Балансда сақловчи	Таклиф этилаётган шартлар			
				Объект ташкил этиладиган мажбурий фаолият тури (мавжуд бўлса)	Объектга киритиладиган инвестициянинг энг кам миқдори (млн. сўм)	Инвестициянинг бажариш муддати	Объектда яратиладиган янги иш ўринлари сони
1	Собиқ 37-сонли мактабнинг фойданамалар биноси	Янгибўғи Сурх МФЙ, Шодиёна кўчаси	Ангрэн шаҳар ҳокимлиги	Мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш	4000,0	24 ой	15
2	Аҳоли дам олиш маскани “Ёзги клуб биноси”	Красногорск шаҳарчаси, “Ойдин” МФЙ	Ангрэн шаҳар ҳокимлиги	Амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолият тури	100,0	12 ой	3
3	Собиқ 2-сонли мактабнинг бўш турган бино ва иншоотлари	“Нуробод” МФЙ	Ангрэн шаҳар ҳокимлиги	Мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш	5600,0	24 ой	15
4	Собиқ қозонхона бино ва иншоотлари	“Наврўз” МФЙ, Бинокор кўчаси	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	Амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолият тури	500,0	12 ой	7
5	Собиқ юқумли касалликлар шифохонаси биноси	Ал-Хоразмий МФЙ	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	Амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолият тури	450,0	18 ой	5
6	Собиқ юқумли касалликлар шифохонаси биноси	Ал-Хоразмий МФЙ	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	Амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолият тури	250,0	12 ой	4
7	Собиқ идора ва лаборатория бино-иншоотлари	“Ёшлик-2” МФЙ, Интизор кўчаси	Бекобод туман ҳокимлиги	Амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолият тури	500,0	18 ой	6
8	Собиқ 18-сонли ФАП биноси	“Найман” МФЙ	Бекобод туман ҳокимлиги	Амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолият тури	200,0	12 ой	2
9	Болалар боғчаси биноси	“Ёшлик-2” МФЙ	Бекобод туман ҳокимлиги	Амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолият тури	400,0	12 ой	5
10	Собиқ пахта заводи бостирма биноси	Бобур Мирзо МФЙ	Бекобод туман ҳокимлиги	Амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолият тури	200,0	12 ой	3
11	Собиқ ҚФЙ биноси	“Кўкорол” МФЙ	Бўка туман ҳокимлиги	Амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолият тури	300,0	12 ой	3
12	Собиқ боғча биноси	“Бўка” МФЙ	Бўка туман ҳокимлиги	Амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолият тури	800,0	24 ой	8
13	Гараж биноси	“Юлдуз” МФЙ	Куйи Чирчиқ туман ҳокимлиги	Амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолият тури	1000,0	24 ой	9
14	Собиқ архив биноси	“Ҳақиқат” МФЙ	Янгийўл туман ҳокимлиги	Амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолият тури	350,0	18 ой	5
15	Собиқ суд биноси	“Кўкаламзор” МФЙ, Чирчиқ кўчаси	Янгийўл туман ҳокимлиги	Хунармандчилик музейи ва хунармандчиликка тайёрлаш фаолиятини ташкил этиш	600,0	24 ой	25
16	Собиқ суд биноси	Темирийўлчилар кўчаси	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги	Амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолият тури	1500,0	24 ой	15
17	Собиқ “Чирчиқ Нур” биноси	Чирчиқ шаҳар, “Наврўз” МФЙ, Гуляев кўчаси	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги	Амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолият тури	3000,0	24 ой	15
18	Собиқ сув-насос станцияси	Оҳангарон тумани, “Тут” МФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	Амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолият тури	550,0	18 ой	6
19	Ярим ертўла биноси	Олмалик шаҳар, А. Ясавий МФЙ, Туркистон кўчаси	Олмалик шаҳар ҳокимлиги	Амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолият тури	300,0	12 ой	3

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича қоғазли баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади. Электрон онлайн-аукцион савдолари 2020 йил 15 декабрдан бошлаб, объектнинг жойлаштирилиши кунига қараб, ҳар 15 кун муддатда соат 9.00 дан 18.00 гача ўтказилади.

Савдоларда иштирок этиш учун қўшим-

ча маълумотларни www.e-auksion.uz сайтлари орқали олиш мумкин.

Мурожаат учун манзил: 100072, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (95) 340-80-10, (71) 293-90-59.

E-mail: toshvil@davaktiv.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.davaktiv.uz, www.toshvil.uz

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат активларини бошқариш агентлиги (71) 259-21-37 ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (95) 534-80-10 рақамли Ишонч телефонларига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Дикқат!

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очик аукцион (www.e-auksion.uz) савдоларига таклиф этади.

Электрон онлайн очик аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Балансда сақловчи	Таклиф этилаётган шартлар	
				Объект ташкил этиладиган мажбурий фаолият тури (мавжуд бўлса)	Объектга киритиладиган инвестициянинг энг кам миқдори (сўм)
1	Собиқ кутубхона биноси	Хўжапискон ҚФЙ, Ариқ-бўйи кўчаси	Куйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги	Амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолият тури	180 900 000,0
2	Собиқ қозонхона биноси	“Маданият” МФЙ, Эзгулик кўчаси	Бўка тумани ҳокимлиги	Амалдаги қонунчилик-да тақиқланмаган тадбиркорлик фаолият тури	568 578 000,0
3	Ярим ертўла биноси	“Янгиобод” МФЙ, Ғ.Ғулом кўчаси, 38-уй	Тошкент вилояти ҳокимлиги	Амалдаги қонунчилик-да тақиқланмаган тадбиркорлик фаолият тури	135 640 000,0

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича қоғазли баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари 2020 йил 15 декабрдан бошлаб, объектнинг жойлаштирилиши кунига қараб, ҳар 15 кун муддатда соат 9.00 дан 18.00 гача ўтказилади.

Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.e-auksion.uz сайтлари орқали олиш мумкин.

Мурожаат учун манзил: 100072, Тошкент шаҳри, Мир-

обод тумани, Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уй.

Маълумот учун телефонлар: (95) 340-80-10, (71) 293-90-59.

E-mail: toshvil@davaktiv.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.davaktiv.uz, www.toshvil.uz

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат активларини бошқариш агентлиги (71) 259-21-37 ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (95) 534-80-10 рақамли Ишонч телефонларига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

«Чирчиқ деҳқон бозори» ҳудудида «Архитектура йўл лойиҳа» МЧЖ

томонидан тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида тадбиркорларнинг пул маблағлари ҳисобидан қурилиши белгиланган турғун савдо дўконлари учун “Чирчиқ деҳқон бозори” ҳудудида аввалда фаолият юритиб келган мулкдорлар томонидан қуриладиган дўконларга тўловларни амалга ошириш учун бозор маъмурияти билан шартнома тузишга таклиф қилинади.

Манзил: Чирчиқ шаҳри, «Чирчиқ деҳқон бозори», Ш. Рашидов кўчасида жойлашган маъмурият биноси.
Мурожаат учун телефон: (70) 715-04-55.

«Чирчиқ деҳқон бозори» ҳудудида «Архитектура йўл лойиҳа» МЧЖ

томонидан тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида тадбиркорлар пул маблағлари ҳисобидан 10 йиллик аниқ мақсадли қарз шартномаси эвазига ижарага дўкон ва ошхона ажратиб бериш шarti билан шартнома тузиш учун бозор маъмуриятига таклиф қиламиз.

Манзил: Чирчиқ шаҳри, «Чирчиқ деҳқон бозори», Ш. Рашидов кўчасида жойлашган маъмурият биноси.
Мурожаат учун телефон: (70) 715-04-55.

Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти томонидан 1997 йилда Исроилова Ортиқхон Махамадяхёевна номига берилган 087469 (рўйхат рақами 3730) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси ҳокимликнинг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича котибияти мудири Илёс Достоновга падали бузруквори **ЭРКИН отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Таассуф

Маълумот учун: пиротехника воситаларини сақлаш, ишлаб чиқиш, ташиш, жўнатиш, фойдаланиш, Ўзбекистон ҳудудига ноқонуний йўллар билан олиб кириш, олиб чиқиш ёки ўтказиш каби ноқонуний фаолият юритган шахсларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддасига асосан ҳуқуқбузарлик ашёлари мусодара қилиниб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баробаридан 20 баробаригача жарима солинади.



“ДАДА, ПАҚИЛДОҚ ОЛИБ БЕРАСИЗ...”

ёхуд фарзандингизнинг хархашаси унинг хавфсизлигидан устунми?

Бозорлик қилиб юрган Рустамжоннинг қизи расталар панасида беркитиб бир нарсалар сотиб ўтирган йигитга тушди. Ёнида иккита каттагина кути. Қизиқиб яқинлашган Рустамжонга йигитнинг ўзи гап қотди: — Ака, келинг молнинг зўри бизда, — дея қутини очди. Рустамжон қараса, қутининг ичи тўла турли-туман “пақилдоқ” экан. Шунда ёдига катта ўғлининг бир неча кундан бери қилаётган хархашаси тушди: “Дада, Янги йилга ҳам озгина вақт қолди, қачон “пақилдоқ” олиб берасиз”, деб ҳоли-жонига қўймаётганди. Мана, оёғи остидан чиқиб қолди. Унинг хаёлидан нима ўтганини сезгандек, сотувчи йигит ҳам: — Ака, буларни хилма-хилдан олиб, болаларни бир хурсанд қилмайсизми? Байрам — байрамдек бўлсинда. Бугун жуда совуқ ўтиб кетди, кечки бозор, сизга арзонга бераман, — деди. Рустамжон ҳам ўғли хурсанд бўлишини, қолаверса, хархашасидан қутулишини ўйлаб, сотувчига пул узатди. Уйга келгач, узига пешвоз чиққан 10 ёшли

ўғлига алоҳида халтага солинган турли-туман “пақилдоқ”ларни узатиб: “Ҳозирча яшириб қўй, буving билмасинлар, байрамда “фейрверк” қиламиз”, деди. Эртасига ишдалигида телефони уст-ма-уст жиринглади, қараса уйдан. “Нима гап тинчликми”, деди гўшакни олиб. У ёқдан онасининг ташвишли овози эшитилди: “Болам, тез етиб бор, ўғлингни фалон шифохонага олиб кетишди”, деди. Гап нимадалигини тушунмаган Рустамжон саросимада шифохонага борсаки, ўғли ўртоғи билан жонлантириш бўлимига тушибди. Эшик олдида эса, ички ишлар ходими уни кутиб турган экан... Қисқаси, ўғлининг байрамгача сабри чидмай, камига ўртоғи билан бирга “пақилдоқ”ни синаб кўрмоқчи бўлишибди. Синовин илгари кўрмаган “янги пақилдоқдан” бошлашибди. Ёндирилган “пақилдоқ” боланинг қўлидан сакраб чиқиб, бошқаларни устига тушибди... Мана, барчамиз учун сеvimли бўлган Янги йил байрамига ҳам санокли кунлар қолди. Гарчи жойларда байрамни тинч, хо-

тиржамликда, хурсандчилик билан ўтказиш мақсадида ички ишлар ходимлари томонидан барча чора-тадбирлар қўрилатган бўлсада, хар йилликдек юқоридаги каби ҳолатлар юз бераётгани ачинарли, албатта. Сир эмас, Янги йил байрами арафасида кўча-қўйда, айниқса, маҳаллаларда болалар (ҳатто катталар)нинг турли пиротехника воситаларидан фойдаланиш ҳолатлари кўпаяди. Аксарият ҳолларда катталар бунинг аянчли оқибатларини, фарзандларимиз соғлиғига, ҳаётига салбий таъсирини билмисада: “Ҳа, энди боланинг кўнгли шуни тусабдида, байрамда бир мазза қилиб ўйнасин”, деб бепарволик қилаверишади. Бугунги кунда вилоятимизда ҳам пиротехника воситалари билан боғлиқ қондабузарликларни тартибга солиш, “пақилдоқ”ларни олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш ва улардан фойдаланишнинг олдини олиш борасида боғжона ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари зарурий чораларни кўришмоқда. Шу боис ҳам вилоят ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги

бошқармаси ходимлари ноқонуний равишда олиб кетилаётган пиротехника воситаларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, Тошкент вилояти ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими, Оҳангарон туманида жойлашган “Чинор” мунтазам йўл патруль хизмати масканида тунги соат иккилар атрофида водий йўналишидан пойтахт томон ҳаракатланган келатган С. Қодиров бошқарувидаги транспорт воситаси тўхталиб, текширилганда автомашина юқонасидан 6 минг 768 қўти пиротехника воситаси топилди. Энди ҳайдовчига нисбатан тегишли тартибда чора кўрилади. Шунингдек, мазкур постда ўтказилган тезкор тадбирда Фарғона вилоятида яшовчи 28 ёшли Зухриддин З. Бошқарувидаги “Gentra” русумли автомаобил кўздан кечирилганда, унинг юқонасида тақиқланган қўти таъсир қилувчи дорилар ҳамда тахминан 20 миллион қўлва тенг бўлган пиротехника воситалари борлиги аниқланган.

Афсусланарлиси, пиротехника олди-сотдиси билан шуғулланаётган “сохта тадбиркорлар” бу ҳаракатларни қонунга зид эканини жуда яхши билишади. Ачинарлиси эса, улар моддий фойда қўриш учун сотаётган матоҳлари туфайли бировнинг боласи бутун умр ногирон, ҳатто, нобуд бўлиши мумкинлигини ҳам билишади. Аммо, пул дарди турганда бу ҳақда ўйлаб ҳам кўришмайди. Ахир, қўндалик ҳаётимизда шу “пақилдоқ”ларнинг кўрқинчли шовқини, совуқ овози сабабли юраги хуруж қилганлар, ҳомиласи тушиб қолган аёлларни ўзимиз ҳам кўрганмизку. Пиротехника маҳсулотларини яширинча сотаётганлар ўша шикастланган, азият чекканлар ўрнида ўзларининг фарзанди, қизи, келини ва яқинлари бўлиши мумкинлигини ҳам билишимизми?

Мақоламиз якунида узоқ қўтилган шундай чиройли байрам кунлари кўнглидагидек ўтиши, фарзанд набираларимизни хурсанд қилиш мақсадидаги саъй-ҳаракатларимиз акс натижа бермаслиги учун, аввало, катталар ҳушёр бўлайлик, тақиқланган пиротехника воситаларини хонадонимиз, қолаверса, маҳалламизга киритмасликка ҳиссамизни қўшайлик.

К. САЛОМОВА
Тошкент ҳақиқати

Куюнчак мактуб

ГАЗЕТАСИЗ ҚОЛАЁТГАН МАКТАБЛАР



Педагогика ва матбуот. Бу икки қирғоқ ҳамisha бир-бирига ёндош бўлиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб келган. Маҳмудхўжа Бекбўдий, Фитрат, Абдулла Авлоний каби газетчилик тамал тошини қўйган жадидларимиз, аввало, устоз, педагог бўлишган. Аммо, сўнгги йилларда бир-бирига суянч бўлиб келган бу икки қирғоқнинг ўртасига нифоқ тушди.

Ўқитувчиларнинг кўпи газетадан ёлпасига бош тортишигача келди вазият. Кимдир мажбурий обунани, кимдир матбуот тарқатувчи тузилмаларининг яхши ишласлиги, яна кимдир эса газетадан кўра интернет кулайлигини вақт қилиб кўрсатди. Сабаблар топиладек бўлди. Аммо, мактаб деган улуг дароҳнинг газетасиз қолишини бу сабабларнинг қай бири оқлай олади?! Омон Матжон айтган гап ёдимга тушди: «Уйда ейишга нон бўлмаса ҳам, аммо ҳамisha ўқишга газета-журнал бўларди». Мактаб ҳам жиҳозсиз қолиши мумкин, аммо газетасиз қолиши мумкин эмас. Чунки, матбуот ўқитувчини ҳам, ўқувчини ҳам замонавий билим бўлиги билан суғуриб турувчи манба эди.

Бугун замон ўзгарди. Лекин, нима бўлганда ҳам педагоглар томонидан газетага нисбатан йўқолиб қолган, меҳрининг тикланишини жуда хоҳлайман. Китоб ўқиш, интернетга ҳамнафас бўлиш ўз йўлига. Аммо, матбуот билан ҳамроҳ бўлмаган педагогнинг бирор нарса хусусида — хоҳ у илмий, хоҳ сиёсий бўлсин, эркин мушоҳада юритиши мушкул.

“Тошкент ҳақиқати” газетасининг доимий муҳлисими. Янги йилда ҳам сеvimли газетамни мунтазам ўқиб бориш истагидега обун бўлдим. Сиз ҳам вақтни бой берманг!

Зулхумор МУҲАМЕДОВА,
Тошкент туманидаги 13-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Дарвоқе

Кўчли мамлакатлар ўз сиёсий қавқенини мустаҳкамлаш, дунё лидерлигини эгаллаш учун барча воситалардан фойдаланади. Санъат, адабиёт, спорт, тиббиёт, илм-фан. Оддийгина “вакциналар пойгаси” бунга бир мисол. Интернет олами эса ҳукмронлик учун жуда катта майдон бўлиб улгурди. Хитойликларнинг Тик-токи Фейсбук, Телеграм, Инстаграм ва бошқа ижтимоий тармоқларни “синдириш” учун яратилгани кундай равшан.

“Блогер бўлишимга қарши бўлган ўқитувчимдан қўл пул топаман” — мезонлар ўзгариб кетди

Ютубдаги “Субъектив” каналида тайёрланган видеони тўлиқ кўриб, ҳайратландим. Узимдан нари борса етти-саккиз ёш кичик авлод билан ўртада жуда катта жарлик борлигини илғадим. 17-18 ёшли тиктокерчиларнинг ўзини тутишига ҳайрон қолдим. Уларнинг юз минглаб, салкам миллионлаб аудиторияси бор экан ва бу аудитория асосан уларга тенгдош, улардан кичик ёшдаги болалар. Бу Хитой ургуни қаерга қўйишни билади. Цукерберг доминант тармоғи интеллектуал доирани камрайдди асосан. Тикток кўрган авлод эса бу доирага ҳеч қачон бош сўқмас керак. Тиктокерлар ўзининг қилаётган ишдан жуда мамнун ва бу орқали одамларнинг кайфиятини кўтарётганини, ҳатто савоб қилаётганини айтади. Энг ачинарлиси, бунга ота-оналар ҳам қарши эмас. Чунки, оғиздан сўти кетмаган бола мўмайгина даромад топаляпти. Демократия ҳақида гапиргандан кейин бу каби ҳолатларга тақиб қўйишнинг иложи йўқ. Лекин, жараён уларнинг ўзгаришини кутишга қараб қолса, ўзгариш бўлиши абсурд. Масаланинг орғиқли томони, мезонлар ўзгариб кетганида. Энди сенда билим бўлиши, китоб ўқиганинг қадри эмас жамият учун. Ҳатто, олий маълумот ҳам аҳамиятсиз. Шунчаки, видео олишни ва аудитория йиғишни билсанг, пул чўнтагинга қараб оқайди. Тиктокерлардан бири, “Блогер бўлишимга қарши бўлган ўқитувчимдан қўл пул топаман”, деб айтди. Шу дунёқарашни у камида беш юз минг болага сингдирса, ўн йилдан кейин ўқитувчининг мавқеи “Ҳаракатлар стратегияси” у ёқда турсин, алоҳида қонун қабул қилинса ҳам фойдаси йўқ. Мезонлар ўзгарди. Афсус, келажакни тасаввур қилишга қўрқиб қолди одам.

Хуршид АБДУРАШИД

Теолог рассом

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида техника фанлари номзоди, Республика Бадий академиясининг ижодкорлар уюшмаси аъзоси Рустам Жамоловнинг 60 га яқин ижод намуналаридан ташкил топган шахсий кўргазмаси очилди.

Р. Жамолов Тошкент политехника институтида таҳсил олган (ҳозирда И. Каримов номидаги техника университети). Кашфиётлари учун патентлар соҳиб. Кўплаб кўргазмалар қатнашчиси. Унинг ижод намуна-

лари декоратив санъат йўналишида бўлиб, индивидуалликка хос. Экспозициядан унинг “Август”, “Кун ботиши”, “Сухбат лаззати”, “Дала”, “Эски нок дараҳти”, шунингдек, “Паркентдаги ҳовли”, “Оқтош”,

“Катта Чимён”, “Тошкентдан олисда”, “Чорбоғда ёмғир”, “Чирчиқ” каби ижод намуналари ўрин олган. Кўргазма 2021 йилнинг 3 январигача давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Тахририят изоҳи: ҳаваскор муаллифларимиздан бирининг қуйидаги ҳажвий қораламасини такроран эълон қилмоқдамиз. Аниқроғи, у илк бор газетамизда 2015 йилда чоп этилган экан. Орадан нақ беш йил ўтса ҳам, мавзунинг эскирмаганини қаранг...

Куни билан “оғзи талқон солиб олган” телефоним шом маҳалда жиринглаб қолди. “Лаббай” дейишим ҳамоноқ, бир қизнинг кўнгиракдай овози жаранглади:

— Ассалому алайкум, сиз ҳаваскор ҳажвичисиз-а?
— Мухлиси саҳнага гул олиб чиққан яллачидай яйраб кетдим.

— Худди шундай!
У эса янада нозли ва ёқимтой овозда, сўзларни чертиб-чертиб гапирга кетди:

— Биз сизни “Оқиллар ори” радиосидан безовта қилаймиз. Сиз ҳозир жонли эфирдасиз. Ёнингизда радио бўлса бизнинг тўлқинга созлаб, худди шу сухбатни эшитишингиз мумкин.

Нима бўлаётганини англаб улгурмасимдан, сўзамолгина овозингир бекаси кераклик FM тўлқини рақамини икки бор қайтаришга улгурди. Машинада эдим. Шундоқ ҳам куни билан радио тинглашга тўғри келган бўлса ҳам, ишониб-ишонмай, унинг мурватини кераклик томонга бурадим.

— Ҳурматли сухбатдош, йўлда бўлсангиз тўхтаб олишингиз мумкин.

Ё қудратингдан, бу сас телефонимдан қичқиди ё радиокорнайндан?

— Тўхтаб турибман, шундоқ ҳам.

Шундай дейишимни биламан, кучайтириш чийиллаб кетди. Ҳазил-пазили йўқ, ростданам жонли эфирда эканман. Бошловчи қиз маслаҳат берди:

— Эфир сифатини таъминлаш учун, илтимос қиламиз, радионгиз овозини

бир оз пасайтириб қўйсангиз.

Шундай қилдим. Телефондан ҳам, радиокорнайндан ҳам жондай акс-садо билан сухандоннинг тиниқ ва майин овози янгарди:

— Ҳурматли радиотингловчи дўстлар! Одатда, “Ҳажв ва ҳаёт” эшиттиришимизга сизлардан келган кўплаб мактубларда шундай савол берилади:

“Ҳозирги ҳажвий ҳикояларда сюжет ҳаётдан олинаптими ё тўқиб чиқарилаётми?” Биз бу саволга жавобни ҳажвичиларимизнинг ўзидан олиш мақсадида ҳозир улардан бири билан бевосита боғланиб турибмиз. Хўш, ҳажвичимизнинг муносабатлари қандай?

Ия, менга савол берилаяптику! Худди афти-ангоримни биров кўриб тургандек, у ёқ-бу ёқимни тўғрилаган бўлдим. Очиги, кайфиятим йўқроқ эди, муҳамалгина жавоб қайтардим. Тўғри-да, ҳар қандай ҳажвда униқидан ҳам, бунисидан ҳам бўлиши мумкин. Шунга саволми?

Гапим ёқмади шекилли, сухандон қиз гапни қисқа қилиб хайрлашди.

Аммо, радиони тинглашда давом

этидим. Орада бир дунё реклама эълонлари, яна икки қўшиқни кетма-кет тингладик. Ҳалиги мавзу ҳақида наридан бери гап бориб, бир зумда юмалоқ ёстик бўлди.

Шу топда кимдир радиого кўнгирак қилиб қолди. Яна боёқ хушовоз “кўнги-роқча” жаранглагандек бўлди:

— Биз сизни тинглаймиз, муҳтарам мухлис. Марҳамат, эфирдасиз, гапиринг.

— Қизим, мен Йўлтушган маҳалласидан Йўлдошлари отангиз бўламан. Мумкин бўлса, икки оғиз...

— Жуда сода, — сухандон маъқуллади. — Бирор яқинингизга табрик ва қутловларингиз бўлса ҳам, марҳамат, йўллашингиз мумкин, отахон.

Отахон бир ютиниб олди-да, гап бошлади:

— Раҳмат, қизим. Табрикмас-у, шунчаки, кенжатай ўғлимизга салом йўлламоқчи эдик. Мана, ҳозир денг, кампирин иккимиз мазза қилиб жонли эфирни эшитиб ўтирибмиз. Ҳозиргина “Ўғлима

ўхшийди овозинг сани...” деган ашулани сел бўлиб тингладик. Барака топинглари, илоҳим.

— Раҳмат, отахон. Демак, кенжатайнинг ҳарбий хизматдалар ё олис сафардалар, сиз уларни соғингансиз, шундайми?

— Йўқ, қизим. Шукр, кенжатайимиз бағримизда. Биз, чолу кампирнинг хизматда. Яқинда арендага машина олди, азамат.

Отахон гапининг бурови қай томонга оғайтгани тушунарли эди. У эса ҳа деган мақсадга кўчақолмасди.

— Ўғлимнинг машинаси радиоси бор. Биламан, у ҳамма вақт шу тўлқинни тинглайди.

Шундоқ бурро бошловчи дудуғлана бошлади:

— Мар... марҳамат, йўл-ланг саломингизни...
— Салом, Ҳабибуллажон. Саҳарлаб чиқиб кетган эдинг, ҳаял-қалб қолдинг. Ойинг ҳам хавотир олаяпти. Нега телпагингни кийиб кетмадинг, тентаквой? Совуқ қотиб қолмадингми, ишқилиб? Ҳастимомлик Туроб қосибдан қолган махсини кийволсанг бўларкан-да. Навбатинг келиб қолган...

Шу жойда алоқа панд бериб, сухбат узилди. Унинг ўрнига телефоннинг қисқа гудоғи эшитилди. Ҳабибуллажонни билмадим-у, бунақанги қизик радиосухбатни тинглаб, ўзимнинг ҳам навбатим ҳали-бери келмаслигини билиб, метан газга навбатда турган машиналар “карвони”дан чиқиб кетдим.

Муҳаммад АЪЛО

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир:
Ғайрат ШЕРАТ

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи — 205. Буюртма Г-1243, 9 914 нусхада чоп этилди. Ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 233-64-95
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Электрон почта: toshkenthqiqat@gmail.uz

Манзил:
111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги офисимиз:
100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусаҳҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА

Навбатчи
Сухроб САДИРОВ